



Nókis q. A.Dosnazarov k. 62 úy, 0 (361) 222-24-37, 222-24-63, faks: 222-98-30
web-site: <http://kkedu.uz>, e-mail: qoraqalpogiston_xtv@xtv.uz

« 31 » Март 20__ j.

03-03/01- 1560 - sanli

**Барлық қала хәм районлық халық
билимлендириў бөлими баслықлары хәм
де республикалық бойсыныўдағы
билимлендириў мәкемелери
директорларына**

Сизге, Қарақалпақстан Республикасы Кеңесиниң 2021-жыл 23-марттағы
“Қарақалпақстан Республикасында диний экстремизимге қарсы гүресий
бойынша 2021-жылға мөлшерленген ис-илажлар бағдарламасы орынланыўын
тәмийинлеў хаққында”ғы 08-12/11-03/102-санлы баянламасы басшылыққа алыў
хәм орынлаў ушын жиберилмекте.

Қосымша бет.

Министр орынбасары

Ш.Таджимуратов

08-12/11-03/102
23.03.2021.



“ТАСДИКЛАЙМАН”

Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгаши Раисининг
Ўринбосари

Э.У.Дурдиев
Э.У.Дурдиев
2021 йил “23” март

**Қорақалпоғистон Республикасида диний ақидапарастлик ва
экстремизмга қарши курашиш бўйича йиғилиш**

БАЁНИ № 1

2021 йил “__” март

Нукус шаҳри

Йиғилиш раиси: Э.У.Дурдиев – Вазирлар Кенгаши Раисининг
Ўринбосари

Қатнашдилар: Халқ таълим вазирлиги, Касбий таълимни
ривожлантириш бошқармаси, Олий таълим
муассасалари (рўйхат бўйича).

КУН ТАРТИБИ:

**Қорақалпоғистон Республикасида диний ақидапарастлик ва
экстремизмга қарши курашиш бўйича 2021 йилга мўлжалланган чора-
тадбирлар дастурини ижросини таъминлаш тўғрисида.**

(Дурдиев, Темирханов, Реймов, Реймов, Отемуратов, Қайтберганов, Аянов,..., Дурдиев)

Йиғилишни Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари Э.Дурдиев
кириш сўзи билан очиб, йиғилганларни кун тартибидаги масалалар билан
таништириб ўтди.

Сўз бошида юртимизда ижтимоий-сиёсий жараёнларга диний тус
берилиши, сохта гоёларни асл диний қадриятлар сифатида талқин қилиниши
ва аҳоли орасида носоғлом ақида сингдирилишини олдини олиш, миллий ва
диний қадриятларга ҳурматни янада ошириш, ёшлар таълим-тарбиясига
жиддий эътибор қаратиш, жамиятда “Жаҳолатга қарши – маърифат” улуғвор
гоя асосида диннинг инсонпарварлик, эзгулик ва тинчлик каби
фазилатларини ҳамда диний бағрикенглик руҳини кенг тарғиб қилиш ҳамда

ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги ва қонун устуворлигини таъминлаш мақсадида қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Аммо, ҳозирги глобаллашув шароитида аҳолининг кенг қатламларида, айниқса ёшларда миллий ғояга содиқлик, ватанпарварлик туйғуларини, юксак маънавий-ахлоқий қарашларни тарбиялашнинг, уларда мафкуравий-маънавий иммунитетни шакллантиришнинг долзарблиги янада ошмоқда. Чунки жаҳонда ахборот хуружи, оммавий маданият ниқоби остида мафкуравий-маънавий таҳдидлар тобора кучаймоқда. Маънавият мамлакатимиз ва ёшларимизга қарши қаратилган шундай мафкуравий-маънавий хуружлар ҳамда ёвуз кучлардан ҳимоя қилишда қудратли куч саналади.

Юқорида кўрсатилган таҳдидлардан Қорақалпоғистон Республикасида таълим олаётган ўқувчи ва талаба ёшларни ҳимоя қилиш мақсадида барча давлат ва жамоат ташкилотларида диний ақидапарастлик ва экстремизм билан боғлиқ таҳдидларнинг олдини олиш, диний соҳада амалга оширилаётган давлат сиёсатини тушунтиришга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларини кўчайтир, шунингдек, ёшлар орасида миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини кучайтириш мақсадида мамлакатимизнинг қадимий ва бой тарихини кенг тарғиб этиш, юртимиздаги тарихий обидалар, улуғ аллома аجدодларимиз номлари билан боғлиқ муқаддас зиёратгоҳларга ташрифлар уюштиришиш чораларини кўриш керак эканлиги билдирди.

Кун тартибидаги масалалар атрофлича ўрганиб чиқилиб, Республика махсус комиссияси

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2021 йил 11 март кунги 01-12/11-03/86-сон билан тасдиқланган “Қорақалпоғистон Республикасида диний ақидапарастлик ва экстремизмга қарши курашиш бўйича 2021 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури” ижро учун қабул қилинсин.

2. Халқ таълими вазирлиги (Р.Реймов), Касбий таълимни ривожлантириш бошқармаси (Қ.Қанглибеков), Олий таълим муассасаларига:

- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2021 йил 11 март кунги 01-12/11-03/86-сон билан тасдиқланган чора-тадбирлар дастуридан келиб чиққан ҳолда ўз тармоғида диний ақидапарастлик ва экстремизмга қарши курашиш бўйича 2021 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар режасини тасдиқлаб ҳамда Вазирлар Кенгашига тақдим этиш;

- давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ёшларга эътиборни кучайтириш, ёш авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш бўйича 5 та муҳим ташаббусни доимий амалга ошириш;

- Амалга оширилаётган ишлар юзасидан ҳар ойнинг 25 санасига қадар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига ахборот киритиш вазибалари топширилсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Ички Ишлар вазирлиги (А.Темирханов)га профилактика инспекторлари томонидан жинойтчилик, диний ақидапарастлик ва экстремизм билан боғлиқ таҳдидларнинг олдини олиш, шунингдек, ёшлар орасида миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини кучайтириш мақсадида ҳафтасига бир марта барча таълим муассасаларига ташрифларини таъминлаш бўйича чоралар кўрсин.

Шунингдек, ёшларнинг соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш орқали ҳар хил зарарли ёт ғоялар таъсирига берилмаслик, ижтимоий тармоқлардан тўғри фойдаланиш ҳамда маънавият, маданият ва ижодий тафаккурни шакллантиришга қаратилган ижтимоий видеороликларни намойиш этиб боришни йўлга қўйсин.

4. Шаҳар ва туманлар ҳокимликларига:


- диний ақидапарастлик ва экстремизмнинг зарарли оқибатлари тўғрисида тушунтириш ва профилактик ишларни кучайтириш;

- давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ёшларга эътиборни кучайтириш, ёш авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш бўйича 5 та муҳим ташаббусни доимий амалга ошириш;

- ҳудудидаги маданият ва истироҳат боғларида маҳаллий хонандалар, бадий ҳаваскорлик жамоалари, болалар мусиқа ва санъат мактаблари, дорбозлик ва цирк санъати усталарининг концерт дастурларини ўтказиш чораларини кўрсин.

5. Ушбу мажлис баёни қарорининг ижросини назорат қилишни Вазирлар Кенгашининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича котибияти мудири зиммасига юклатилсин.

Баёнлаштирган



И.Ахмедов